

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 115 (7.108). Sotuvda erkin narxda

Фермер бойиса, юрт обод бўлади

Мамлакатимиз раҳбари Фаргона сафари чоғида буни алоҳида таъкидлади

Олтин куз сўлим Фаргона киш-локларнинг файз-тароватини янада яшатиб юборган. Шу ҳудудда умргузаронлик қилаётган инсонларнинг заминга муҳаббатлари нечоғли баян эканлиги билан уйғунлашиб кетган. Фаргона туманининг пахтазорлари, бог-роғларнинг аксарияти қир-адирларда жойлашган. Сув муаммоси ҳаммада деҳқонни хушёр тортши-га ундайдми.

чунонам ҳосилга кирдики, олди бог-бонлар гектар ҳисобига 3 тоннагача анъанавий усулда ўрик қоқи тайёрлашди. Анорзор, тоқзорлар ҳам салмоқли даромад келтирмоқда.

– Биз сизни бекорга даштага таклиф этмадик, – дейди Тешабой ота Фозилов. – Кунни кеча Президентимиз яна ҳўжалигимизда тўхтаб ўтидилар. У кишининг теримчилар билан суҳбатларида юрт ободлиги даромадга боглиқ эканлиги бош мавзу бўлди.

Дарҳақиқат, Бобур номли бу ширкат ҳўжалигининг мавқеи туманда анча баланд. 1200 гектар ери бор. Шундан 350 гектариди пахта, 450 гектариди оса дои этиштирилади. Президентимиз ҳўжа-



нинг юқорилиги боис, даромад ҳам яхши бўляпти. Яна камиди 300 тонна пахта тайёрланади. Дон сотиш 836 тонна ўрнига 950 тонна қилиб уудаланди. Бундан олинган соф фойда 49 миллион сўмдан ортди. Кишлоқда ичимлик суви, газ масаласи тўла ечилган. Барча катта-кичик йўллар раван.

– Ҳўжалигимиз ҳудудиди анчагина фермерлар бор, – дейди бошқарув раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлок ҳўжалиги ходими Оловуддин Сатторов. – Натижаларни қиёслайдиган бўлсак, ҳосилдорликда ҳам, даромадда ҳам фермерларнинг қўли баланд келяпти. Охирига пайтларда богларнинг даромади камайиб кетган эди. Ижарага беришимиз билан ҳолат ижобий томонга ўзгарди. Юртбошимиз билан мулоқотимизда хусусий мулкчиликнинг эртаси порлоқ эканлиги ҳақида сўз юритдик.

Фермер Фозилжон Элибоев 40 гектар пахтазорнинг биринчи теримидан 116 тонна ҳосил тайёрлаб, режани бажарди. У иккинчи терим билан ялли кирмончи 160 тоннага, ҳосилдорликни 40 центнерданга етказишни мўлжаллаб турибди. Сифат даражасининг юқорилиги боис ҳар тонна пахтанинг баҳосини 354 минг сўмдан ҳисобласангиз, даромаднинг чўги ойдинлашади. Ана шундай тақдирлашни ўнлаб, юзлаб фермерлар эришаётган ютуқларга богласангиз, хусусий мулкчиликнинг йўли қароғон эканлиги ҳар қадамга аён бўлаверади. (Давоми 2-бетда)



Элибоев ва теримчилар билан ўтказган мулоқотлари мавзуи ерни ардоқлаш ва шу орқали мўл-кўлчилик яратиш бўлди.

Бундан 20 йил аввал Фарғонадан Водил томон борадиган йўлниги икки тарафи дашт эди. Аҳоли қўлайиб, ер танқислиги яққол сезилиб турган шароитда одамлар ана шу даштага қўз чиқаришди. Бирок, ҳеч кимнинг ушбу масалани ижобий ечишга юраги дов бермасди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. 1991 йилнинг кузиди Президентимиз кишлогимизда ҳам бўлган эдилар. Ушандаги суҳбатда деҳқонлар дашт масаласини ўртага қўйишди. Шунда Президентимиз маҳаллий раҳбарларга бу масалада деҳқон ҳақлигини айтганлариди, ҳамқошиқларининг ҳўсанчиликларини бир кўрсангиз эди.

Нўмонжон ота ва ана бир меҳнат фахрийси Тешабой Фозилов ҳамроҳлигида ҳозирда фақат номи қолган даштга йўл олдиди. Водил томон борар эканмиз, кўнча тўлган ўрикзорлар, анорзорлар, қўишда тоблини турган тоқзорларнинг ҳар донаси бармоғингиздек келадиган узумлари суқингизини олади. Атрофга назар ташласангиз, сув бу ерга осонлиқ билан келмаслиги билиниб туради. 15 йилда яратилган боглар ҳозир

ликда бўлган куннинг эртасига пахта тайёрлаш режаси бажарилиди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиниб, 1050 тонна пахта тайёрланди. Сифати-

Пиёз арзонми ё киммат?

Ҳалқимизда "топган гул келтирар, топмаган бир бог пиёз", деган нақл бор. Унинг замирида киммат тушунчаси билан бир қаторда пиёзнинг энг сероб ва арзонлигига ишора ҳам мўжассам. Пиёз сероблиги-ку, тўғри. Аммо нарх-навоси масаласи...

Бу мавсум сархил пиёзнинг килоси 150 сўмдан 250 сўмгача чиқиб кетди. Рўзгорболларини бирмунча арзонга эўрга торттишиб олдик. Пиёзсиз пишадиган таомнинг ўзи йўқлигини ҳисобга олганда, бу нарх-наво харидорларни, рўзгорбошиларни анчайин шошириб қўяётганлиги ҳам сир эмас.


Ҳўш, пиёзнинг баҳоси кимматми? Даладан қўшил тилган ҳосил олинмади, бунинг бошқа сабаби борми? Келинг, даставвал бу ҳақда мутахассислар, мутасаддилар фикрини эшитиб кўрайлик.

– Ҳар йили ёз ўртасида пиёзнинг баҳоси бирмунча кўтарилади, – дейди Ўзбекистон сабзавот, полиз екчилари, рўзгорбошиларни анчайин шошириб қўяётганлиги ҳам сир эмас. (Давоми 2-бетда)

Ваколат масъулияти

Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказиш белгиланди.

Бу – Республикада сўнгги пайтларда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар борасида мўҳим одам бўлади. Негаки, жиноят ишларини судгача юритиш босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш масаласида ама-бироз мулар бор эди. Қамоққа олишга санкция бериш ваколати прокуратура органларидан судларга ўтказилса, фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самара ортади. Бу эса шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларни дахлсизлиги ҳақда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормаларига тўла мос келади. (Давоми 2-бетда)




Фурсат ғаниматдир...

Йигим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораётган мамлакатимиз пахтакорлари уйган кирмон 25 сентябргача бўлган маълумотга кўра 2 миллион 166 минг тоннадан ошиб кетди.

Ҳозиргача йиллик шартнома топширигини 79,5 фоизга адо этган Сурхондарё вилояти, бу кўрсаткични 71,1 фоиздан Бухоро вилояти, 69,2 фоизлик маррадан ўтган Қорақалпоғистон Республикаси заршунослари пешқадмлик қилмоқдалар. Андижон, Қашқадарё, Фарғона ҳам олдинги сафлар вилоятларнинг деҳқонлари мамани 57-68 фоизга бажа-

Самарқанд, Наманган вилоятлари пахтакорлари ҳам астойдил олдинги интиломқдалар. Кейинги кўнларда пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилганлиги тўғрисидаги бир қатор вилоятларда қўндалик сўрат ошиб бормоқда. Хуосун, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида йиллик топшириқда нисбатан 4-4,5 фоиз миқдориди ҳам ашё тайёрланаяпти.

Бугунги кўн талаби кузинг ғанимат дамларидан унумли фойдаланиб, пахта йигим-терими сўратини сўсайтирмасликни тақозо этади. Зотан, асосий болитимиз ҳисобланган "оқ олтин"ни тез ва соз саранқомлаб олиш мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Стратегик шериклик таъйинларига мос ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 сентябрь кун Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Мён Сук хонимни қабул қилди.

– Сизнинг таширфингизга Корея Республикаси ҳўкумати, халқи ва ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка иштиёқи ўсиб бораётганидан яна бир далолат сифатида қараймиз, – деди Ислам Каримов. – Айна пайтда бу таширфини 2005 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Корея саммитининг мантйкий давоми дейиш мўкин. Ўзаро мўносабатлардаги ишонч ва ҳўрмат кўп томонлама ҳамкорликнинг тараққийотининг қафолатидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама алоқалар, жумладан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарлари, ҳўкуматлари, турли вазирилик ва идоралари, иқтисодиёт ва маданиятга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мулоқотлари, қолаверса, хусусий сектор иштирокида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқаларнинг аҳамияти каттадир.

Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат таширфи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган. Тўмонлар бу ҳўжжатга катта аҳамият беради.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг иқро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, мамлакатимиз БМТ Бош қотиби лавозимига Жанубий Корея ташики ишлар вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлади. Ун навбатиди Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташки-

лотига аъзо бўлиб киришини, халқаро иқтисодий тизимга кенг интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислам Каримов ўтган йили Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи 2003 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп бўлганини, 2006 йилнинг биринчи ярмига доир кўрсаткичлар эса бундай ўсиш сўраятлари сақланиб турганини кўрсатишини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил апрель ойидан Бош вазири сифатида фаолият юритаётган Хан Мён Сук кўп йиллар давомида турли жамоат ташкилотларида меҳнат қилган. Кенг дунёқараши ва мураккаб ижтимоий муаммоларни тезда ҳал қила олиш қобилияти билан корейликлар орасида катта оўру қозонган.

Ўзбекистонга шу йил март ойида депутат сифатида келган эдим, – деди меҳмон учрашувда. – Бу галги таширфини Ўзаро мўносабатлар тарихида Корея Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга илк расмий таширфидир. Ўзбекистондаги барқарорлик, иқтисодиётнинг ривожланишида мамлакат Президентининг хизматлари бекйёс. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Айна пайтда Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёий-харакатларини, жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш гоёси амалга ошиганини юқори баҳолаймиз.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. (ЎзА)

Корея Республикаси Бош вазири Ўзбекистонда

Расмий таширфи билан Ўзбекистонга келган Корея Республикаси Бош вазири Хан Мён Сук хоним 25 сентябрь кун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар мўҳима этилди. Тўмонлар ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган қелишувлар мўҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, жорий йил март ойида Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат таширфи алоқаларини янги поғонага кўтарди. Таширфи чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдан бошлаб ўзаро энг кўп қўлайлиқ яратиш тартиби жорий этилган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 301,4 миллион долларга етди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган жами сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошди.

Бош вазирилар учрашувида ўзаро алоқаларининг бугунги ҳолати таҳлил этилиб, истиқболдаги ишлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро манфаатли мўносабатлар кўламни янада кенгайтириш борасида атрофлича фикр алмашилди. Хуосун, энергетика, тоғ-кон саноати, ахбор-

корлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, уларнинг ўзига хос ва бетакрорлиқ қиёфаси кишида катта таассурот қолдиришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Илғизар Собиров билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар мўҳима қилинди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг янги шакланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Тўмонлар икки мамлакат парламентарлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириб боришга келиши шўқланди.

Хан Мён Сук хоним Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги парламентарларо алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболига доир масалалар мўҳима этилди.

Ўтган йил февраль ойида Корея Республикаси Миллий ассамблеясида (парламент) Ўзбекистон билан алоқаларини янада кенгайтириш максалиди дўстлик гуруҳи тузилди. Сентябрь ойида эса шундай гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳлар нафақат парламентарларо алоқалар, балки бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши, шўбҳасиз. (ЎзА)

Молиявий манба

Маълумки, Республика Вазирилар Маҳкамасининг шу йил 11 августда бўлиб ўтган мажлисида 2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаси мўҳима этилди.

Концепцияда Президентимиз томонидан белгиланган иқтисодий ўсиш устуворликлари, барқарорлик, алоҳида соҳалар баланслигини таъминлаш ва халқнинг турмуш даражасини янада ошириш таъйинлари асос қилиб олинган.

2007 йилга солиқ сиёсати концепцияси ҳақида фикр юритар эканмиз, ушбу концепциянинг фақат бугунги кўн маҳсули, – Мулоҳаза ҳулосаси эмаслиги, гини таъкидлаш ўринлидир.

Яъни, солиқ ставкаларининг белгиланган даражада пасайтириб борилиши етарли ҳаётий тажрибага, амалда синовдан ўтган мустаҳкам асосга эга. Мамлакатимиз раҳбари жорий йилнинг 10 февралдаги Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасида 2005 йилда юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) олиннадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилгани қарийб 40 миллиард сўмлик маблағни корхоналар иштирокида қолдириш имконини берганлигини айтган эди. Умуман, 2005 йил давомида солиқ ставкаларининг пасайтирилиши туфайли 130 миллиард сўмдан зиёд пул корхоналар айлана маблағларини қўшимча равишда тўлдирди. (Давоми 2-бетда)



Ирода Тулаганова яна катта теннисга қайтиб, ўзининг нималарга қодирлигини жаҳон ареналарида намойиш эта бошлади. Шу каби спорт хабарларини газетанинг 4-саҳифасида ўқийсиз.

Фойдани кўпайтириш — асосий кўрсаткич

Яккабоғ туманининг 1075 фермер хўжалигида ҳосил сифати ва ҳаридорлигига алоҳида аҳамият қаратилди. Шу боис бу йил ўтган йилдагига қараганда пахтачиликдан 6 миллиард сўм кўп фойда келиши кутилляпти.

Жараён

П.Қурбонмуродов, У.Махмараммов, А.Даминов, Н.Шарипова, Х.Ашуровлар раҳбарлик қилаётган ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликлари аъзоларининг шижоати туфайли яккабоғликлар давлат омиборига 19700 тоннадан ортиқ "оқ олтин" етказиб беришди.

Улар ялпи хирмонни 25 минг тоннага етказиш ниятидандилар. Шаҳрисабз тумани пахтакорлари ҳам дондан 17500 ёрлаб, марралар, забт этдилар. Бу ютуққа Мархабо Ашурова, Эштурсун Орзиқулов, Саид Хўжамов ва бошқа фермерлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Шаҳрисабзликлар ялпи хирмонни 20 минг тоннага етказишга бел боғлашган.

Китобликлар давлат омиборига 9800 тоннадан ортиқ "оқ олтин" армуғон этдилар. Бу муваффақиятга Қ.Эшобобов, М.Махматов, А.Эшмуродов каби фермерлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Туман далаларида ҳосил кўп. Пахтакорлар ялпи хирмон салмоғини 12 минг тоннадан оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Энг мақбул мuddатларда

Янгириқ тумани деҳқонлари бу йил кузги галла экишга барвақт киришдилар. Улар бу мавсум 1700 гектар майдонга дон экиб, 7800 тонна ҳосил етиштиришни кўзлаб туришибди.

Галлачилик

Сўнгги йилларда туманда галлачилик алоҳида эътибор берилмоқда. Аввало, ерни сифатли тайёрлашга, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга аҳамият қаратилляпти. Уруғлик ўзларидан чиқарган ҳам ҳар йили мўл, сифатли ҳосил олиш имконини бермоқда.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Соҳибжон Отажоновнинг айтишича, яқин кунларда туманда галла экиш қизғин борапти. Дала айландик, "Хоразм" ММТПСи ҳудудидаги Отабой Сапаров раҳбарлик қилаётган "Сапар оқсоқол" фермер хўжалигининг ўн гектарлик пайкали ҳозирнинг ўзида ям-яшил майсалар билан қопланибди.

Туманимизда галла етиштириш ҳадисини олган уста деҳқонлар кўпчилигини ташкил этади. — Изоҳ беради ҳамроҳимиз, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Қўпалбой Абдиев. — Олий маълумотли агроном Баҳодир Шомурод бошлиғидаги "Шомурод мўлтанг" фермер хўжалиги аъзолари амалдаги йилда 15 гектар май-

Утеранный круглая печать ЧП "GOLDEN STAR OF ASIA" Яққасарайского района г.Ташкента, считать действительным. ООО "AVESTA TECHNOLOGY" Хамзинского района г.Ташкента сообщает об уменьшении размера уставного фонда с 119314000 сум до 75104000 сум. Тел.: 169-34-30.

Манфаат бор жойда...

Узоқ йиллар мубораклик деҳқонлар етиштирган пахта Шаҳрисабз ва Косон туманларидаги пахта тозалаш заводларига топширилиб келинди. Бу ҳолат маҳсулот таннархини ошириш билан бир қаторда пахтакорларни оврага ҳам қилиб кўярди.


Муборак пахта тозалаш очик ҳиссдорлик жамияти жамоасининг бу йилги ниятлари бундан-да, юксак. Улар фермер хўжаликлари билан имзоланган шартномага биноан пахта қабул қилиш ишларини аллақачон бошлаб юборишган.

— Бу йил 198 та фермер хўжалиги билан имзоланган шартномага биноан 8459 тонна пахта қабул қилиб оламиз, — дейди "Қарлик" пахта қабул қилиш маскани мудири Холмурод Сувоқулов. — Шу қўнчага фермерлар 100 тоннага

Изланиш

яқин маҳсулот топширишди. Уларнинг асосий қисми 1-навага қабул қилинди.

Умуман олганда, ушбу корхонада иш янги тизим асосида амалга оширилди. Айниқса, бу ерда ҳаракатларни қисқартириш, даромадини ошириш борасидаги изланишлар мактоғга сазовордир. Жамият маъмурияти ишчи-хизматчиларнинг яхши, меҳнат қилиш шaroитларини яхшилаш, олийк маошларини ошириш завазига сифат ва самардорликка эришишга, бунга жавобан Санақур Ражабов, Шўхрат Қодиров, Қўрбон Хайдаров каби ходимлар жонбеозлик кўрсатиши, корхона иқтисодининг юқори бўлиши учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этишмоқда.



— Ишчи-ҳодимларимизнинг ишга келиш кетишлари учун алоҳида техника ажратилган, — дейди С.Очилов. — Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг иқтисодий аҳоли ойма-ой ўрганилиб, тахлил қилиниб борилади. Иқтисодий жиҳатдан қийналганларга дарҳол моддий ёрдам кўрсатилади. Эришавтган ютуқларимиз омили манфаатдорликнинг юқорилигида, инсонга ҳурмат-эътиборда, деб биламан.

Айни кунларда Муборак пахта тозалаш корхонасида иш қизгин. Улар бугунги қилинажак меҳнат эртага, албатта, ўз самарасини беришини яхши билишади. Шу боис аҳил жамоа бир тану бир жон бўлиб ишламоқда, фаолият кўрсатмоқда.

Уктамжон ҚОЛДОРОВА, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. СУРАТЛАРДА: пахта тозалаш заводи ҳаётидан лавҳалар.



Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Иқтисодлаштирилган қимомди савдоларини ташкил қилиш "AL-KASAR TRADE" ташкилоти очик Аукцион савдоларини тақлиф этади!

2006 йил 1, 8, 15, 22, 29 ноябр кунлари соат 10.00 да қўчмас мулкни бошқариш бажоридан қадим-бақадим оқиши тартибда Аукцион савдоларини ўтказди.

Тошкент шаҳар Хўжалик судевени № 10-0407/8740-сонли ҳал қилув қарорига асосан банрот деб эълан қилинган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, Саёбон 30-бек кўчаси, 8-уйда жойлашган ОАЖ "А.Иброҳимов номли Тошкент чини заводи" корхонасига қарашли бино-иншоотлар ва мол-мулкларни мажмуа ҳолда — бошланғич нархи 2 600 000 000 сўмдан қимомди савдоларига қўйилди.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғичидан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорда зақалат пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шaroитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қўнғиди манзилга мувожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Тел.: 149-53-61.

Ташкилотнинг гувоҳнома № 001030

Тошкент Давлат Аграр университети бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларига меҳнат шартномаси асосида танлов эълон қилади

Кафедра мудирилари: 1. Ўзбек тили ва чет тиллари. Профессорлар: 1. Усимликшўнослик; 2. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги; 3. Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Доцентлар: 1. Усимликшўнослик; 2. Деҳқончилик ва мелиорация асослари; 3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги; 4. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси; 5. Ветеринария; 6. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уларни бошқариш; 7. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; 8. Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари; 9. Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш; 10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш; 11. Гуманитар фанлар; 12. Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси.

Катта ўқитувчилар: 1. Деҳқончилик ва мелиорация асослари; 2. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уларни бошқариш; 3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; 4. Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш; 5. Гуманитар фанлар. Ассистентлар: 1. Усимликшўнослик; 2. Деҳқончилик ва мелиорация асослари; 3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги; 4. Усимликшўнослик; 5. Умумий техника фанлари; 6. Қишлоқ хўжалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш; 7. Зоотехния; 8. Ветеринария; 9. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва уларни бошқариш; 10. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; 11. Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари; 12. Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш; 13. Гуманитар фанлар.

Уқитувчилар: 1. Ўзбек тили ва чет тиллари; 2. Жисмоний тарбия. Танлов учун ҳужжатлар 2006 йил 1 ноябрга қадар қабул қилинади. Танловда қатнашишни хоҳловчилар университет ректори номига ариза берадилар, аризага "Ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (суронома)" ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Катнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва иштиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак. Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мажбурий олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун — очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предмети бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов катнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдagi илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлар тўғрисида ҳисобот беради. Ҳужжатлар қўнғидаги манзилга топширилади: Тошкент, 140, Тошкент Давлат Аграр университети, бош бино, 3-қават, 319-хона, ходимлар бўлими. Телефон: 63-83-35.

Гуллаб — яшнаётган юртимизга олтин куз кириб келди.

1 октябрь куни мураббийлар, устозлар байрами нишонланади.



Ана шундай файзли кунларда "Пахта Банк" Сизлар учун қулай ва манфаатли бўлган "Олтин куз" ҳамда "Мураббий" мuddатли омонатларини тақлиф этади.

Омонатларнинг сақланиш мuddати 6 (олти) ой ҳамда 3 (уч) ой бўлиб, ушбу омонатларга йиллик 24 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бадалнинг энг кам миқдори 100 минг сўм.

Банк "Олтин куз" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, "Мураббий" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни эса омонатнинг сақлаш мuddати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлаб беради.



Омонатга қўнган маблағингиз "Ўзбекистон Республикаси Фўкарларнинг Банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланганлигини эсдан

"Пахта Банк"нинг исталган филмалига мувожаат этиб, даромаднингизни янада кўпайтиринг.

"Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!

Advertisement for Belarus tractors. Includes the text 'МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ' and 'Узбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали'. It features images of various tractor models and lists technical specifications and contact information for 'KAMMAZ ARSENAL'.



Зиёрат қабул бўлсин!

Рамазон ойининг бошланиши билан мусулмон оламидаги кўплай инсонлар Саудия Арабистони давлатига бориб, кичик Ҳаж (умра) амалини ўтаб қайтишди.

Мақка шаҳридаги Ҳаж институти бошлиғи Усама Фадль эл-Бадрийнинг айтишича, мазкур ойда 3 миллионга яқин мусулмон кишилар "Муқаддас шаҳар"га ташриф буюрар экан.

Хукумат раҳбарлари бу йил Рамазон иссиқ пайтга тўғри келгани учун ҳожилар саломатлигига жиддий эътибор қаратиш лозим, дея эътироф этишмоқда. Айниқса, кекса ҳожиларнинг аҳоли доим кузатув остида бўлади.

Папаллактадаги ҳалокат

Эквадор мамлакатига автобус ҳалокатга учради. Мазкур нохуш ҳодиса туфайли 47 йўловчи, шуларнинг 17 таси ёш болалар ҳаёт билан видолашди.

Воқеа пойтахт Китотдан 45 километр узоқликдаги Папаллакта қишлоғи яқинида кундуз кўни содир бўлган. — Ҳайдовчи тезликни ошириб юбориши натижасида бошқарувни йўқотган ва автобус ағдарилиб кетган, — деб айтиб ўтган маҳаллий полициячи.

— Йўловчи катнови кўпаядиган айни туш маҳали ҳайдовчи пул ишлаб олиш мақсадида тезликни оширган бўлиши мумкин.

Ҳалокатдан беш киши тирик қолган бўлса-да, уларнинг аҳоли жуда оғир эканлиги айтилмоқда. Қизил Ҳоч жамияти вакили Жонни Франко вафот этганлар оиласига таъзия билдириб, уларга иқтисодий ёрдам кўрсатилишини айтиб ўтди.

Олтин номерли меҳмонхона

Хитойнинг Сянган шаҳрида энг муқташам номерли меҳмонхона бунёд этилди. Эътиборлиси, мазкур меҳмонхонанинг биринчи қаватида жойлашган қонақлардан бирининг барча жиҳозлари олтинда ясалган.

Диван, стол-стул, ҳаммом ва унинг душлари олтиндан бўлиб, хона кўёш нурида товланиб туради. Хатто, хонанинг деворлари, шифтлари ҳамда йўлаклари кимматбаҳо металллар билан ишланган. Жами 2 тоннага яқин металллар мажмуи 82 миллион АҚШ долларига баҳоланади. Меҳмонхона беш

йил ичида қуриб битказилди. Айтингки, шундай кўркам хонада туниш ўтказиш ниятингиз борми? Ундай бўлса чўнтагингиздан 25000 доллар чиқаришингизга тўғри келади.

Муҳожир талабанинг айби нима?

Яқшанба оқшомида Санкт-Петербург шаҳрида номаълум кимсалар томонидан ҳинд талабаси ўлдириб кетилди.

Мечников номли Тиббий академиясининг 4-босқич талабаси бўлган 27 ёшли Сингх Нитеш Кумар пичоқ зарбидан жароҳат олган.

Оғир аҳволда бўлишига қарамай, у ётоқхонага етиб олишга муваффақ бўлган. Талабани шу атрофда турган курсдорлар тез тиббий ёрдам чақириб, шифохонага қузатиб қўйишган.

Шифокорларнинг маълум қилишича, Кумарнинг бир неча аъзоларига пичоқ санчилаган ва у кўп қон йўқотган. Шу тариқа Кумар қўшига келмай, шифохонада вафот этди. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари мазкур ҳолатни ўрганишмоқда.

Минг бир ўлим

Францияда чоп этиладиган "L'Est Republicain" газетаси саҳифаларида берилган қўнғидан хабар дунё ахлини лол қолдириди.

Хабарда ёзилишича, "биринчи рақамли террорчи" ҳамда "Ал-Қоида" раҳбари Усама бин Ладин бир ой олдин Покистон ҳудудида теролама касаллиги оқибатида ўлган.

Шуни айтиш кераки, бу Бин Ладиннинг биринчи "ўлиш" эмас, бунга-ча у неча мароталаб "нариги дунё"га абориб келди. Франция Мудофаа вазирни Мишель Альо-Мари террорчи ўлими ҳақидаги доклад ҳақиқатда ҳам мавжудлигини, лекин у қандай қилиб журналистлар қўлига тушиб қолганига ҳайрон. У бундай ахборот тарқатганларни жазога тортиш мумкинлигини ҳам қўшиб қўйган.

Интернет баҳарлари асосида С.ИСЛОМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўнғидаги қийматини белгилади:

Table with 3 columns: Currency, Exchange rate, and another column. Includes entries for Australia, Austria, and others.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Умуммиллий дастур — амалда

Меҳнатимиз қадрланяпти



Жондор туманидаги Тобагар маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 22-ўрта мактабда 500 нафардан зиёд ўғил-қиз таълим олаётди. Мактаб биноси ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бўлиб, яқин пайтларга қадар таъмир-таълаб бўлиб қолган. Бу эътибор билан қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилган, қўрса ҳавас қилгулик спорт зали, 140 ўқувчига мўлжалланган синф хоналари қурилди.

— Қурилиш ишларига давлат томонидан 160 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди мактаб директори Мустақим Ериев. — Хомийлар ҳам қараб туришмади. Улар ажратган 40 миллион сўм микдоридagi маблағ ҳам қоримизга яради. — Таълим соҳаси ходимларига ҳақ тўлаш тизimini тақомиллаштириш, улар манфаатдорлиқа эътиборни кўчатириш юзасидан қўрсатилган гамаҳуриликлар бўш, ўқитувчиларни ёғат мамнун этди, — дейди шу мактабнинг немис тили фани муаллими Исмомил Рўзиев. — Шундай шинам синфхоналарда ўқувчиларга сабоқ бераётганимиздан хурсандимиз. Ойлик маошларимизнинг оширилиши эса қувончимизга қувонч қўшди, ахир ўқитувчи меҳнати шунчалар қадрланяпти.

— Чорак асрдики, ўқувчиларга сабоқ бераман, — дейди Ромитан туманидаги 2-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Зулфия Камолова. — "Дарс бошландими, уйдаги, кўчадаги ташвишларни унутинг керак", дея сабоқ беришган устозларим. Улар ўғига амал қилиб, кам бўлганим йўқ. Шогирдарим "Устоз" дея мурожаат қилишганида кўнглим алланечук бўлиб кетади. Қалбим фаҳрга тўлади. Ўқитувчи меҳнати янада қадрланганини илк бор эшитганимда ҳам юрагимда ана шундай туйғуни ҳис этдим. Энди изланувчан, ўз устида ишлайдиган ўқитувчига ҳамма эргашади.

Оддий қишлоқ муаллимасининг сўзларини тинглаб, мамлакатимиз, жумладан, Бухорода ҳақ таълими ривожини йўлга қилинаётган кенг қўламли ишлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Ўзига хос мактаблар кўни тадбири ва шу орқали мактаб муаммолари ечимини топиш бугун катта самара бераётди. Шу ўринда бир-икки мисол. Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан ўтган йили умумтаълим мактаблари қуриш, таъмирлаш ишларига 4 миллиард 72 миллион сўм сарфланди. 122 та мактабни жиҳозлашга 1 миллиард 940 миллион сўм ажратилди. Жорий йилда эса битта мактаб биноси қуриш, 11 тасини реконструкция қилиш, 17 тасини капитал, 32 тасини жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Бу эзгу ишларнинг барчаси амалга оширилди.

— Ўқитувчига гамаҳурилик бу келажакка гамаҳуриликдир, — дейди ғиждувонлик кекса педагог, меҳнат фахрийиси Каюм Насимов. — Мактаблардаги ўзгаришларни, ўқитувчиларга қўрсатилган гамаҳуриликни кўриб кўнглимдан "Қанийди 20 йилга яшариб, болаларга сабоқ берсам", деган ўй ўтади...

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СУРАТДА: Ромитан туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Зулфия Камолова ўқувчилар даврасида.

Хабар

Алишер Навоий номида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий "Мутулаа байрами" тадбири бошланди.

Президентимизнинг шу йил 21 июндаги "Республика аҳолисини ахборот — кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори

"Мутулаа байрами" — 2006

Юзасидан Миллий кутубхонамизда бир қатор ишлар амалга оширилляпти. Ушбу қарорда "Йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш" вазифаси ҳам белгиланган эди. "Мутулаа байрами" кўни Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги электрон ресурслари тақдими йилгиланганда катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда кутубхонада юз мингдан зиёд электрон каталоглар тайёрланган.

Профессор Эркин Охунжонов Ўзбекистонда китоблар тарихи мавзусида сўз юритди, мавзуга доир қўлпаз тарихий маълумотлар билан таништирди.

Тадбирнинг илк очилиш кўнида иқтисод фанлари доктори Муҳаммаднали Саидовнинг Москвада нашр этилган "Ўзбекистон: инвестиция в человецкий капитал, партнёрства в сфере образования" номи китоби, психология фанлари номзоди, профессор Василя Каримованинг "Оилавий ҳаёт психологияси" номи монографияси тақдими ўтказилди.

"Мутулаа байрами" — 2006 тадбири 29 сентябргача давом этади.

Д.МАТКАРИМОВА



"Шўртан" — "Пахтакор" 0:6

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари ўртасида 22-турнинг қолдирилган уч уchrашуви ўтказилди.

Унда чемпионат голиблигига даъвогар бўлган "Пахтакор" клуби Гузорнинг "Шўртан" клубига қарши тўп сурган бўлса, совринли ўринлар учун курашаётган "Насаф" "Андижон"га қарши саф тортиди.

Гузорда ўтказилган "Шўртан" — "Пахтакор" ўйинида пойтахт жамоаси майдонда ҳар томонлама ўз устулигини намойён қилди. "Пахтакор"чилардан Ихороуме Уче (уч бор), Сервер Жепаров (икки бор) ва Зайниддин Тожиёв бир бор "Шўртан" дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўйинни 6:0 ҳисобда меҳмонлар фойдасига ҳал бўлишини таъминлашди. Ушбу галабадан сўнг "Пахтакор" энг яқин таъкибчиси "Насаф" билан орадаги фарқни 6 очкога ошириб олди. "Андижон" меҳмони бўлган "Насаф" ҳам сафардан 3 очко билан қайтди. Баҳром Ҳақимов шогирдларига галаба келтирган ягона гол Зафар Холмуродов томонидан киритилди.

22-турнинг яна бир қолдирилган учрашувида "Металлург" ва "Самарқанд-Динамо" клублари ўзаро куч синашди. Ушбу ўйинда голиб аниқланмади — 1:1. Гол муаллифлари Дилшод Шарафиддинов ("Самарқанд-Динамо") ва Жамшид Мирабдуллаев ("Металлург")лар бўлишди.

"Қизил иблислар" ортда қолди

Шанба ва якшанба кўнлари футбол бўйича Англия чемпионатида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Испанияда турнинг марказий ўйинида "Барселона" ва "Валенсия" клублари ўзаро куч синашди.

Тенгма-тенг курашлар остида ўтган учрашувлар жадвалида етакчилик қилмоқда. Англия чемпионатида нихоят "Челси" биринчи ўриндан жой олди.

"Фулхэм"га қарши тўп сурган "аристократлар"га Фрэнк Лэмпард икки голи билан галаба келтирди. "Манчестер Юнайтед" ўтган турда "Арсенал"дан учраган мағлубиятидан сўнг ҳалиям ўзига келмаган қуринади. Бу турда "қизил иблислар" лига дебютанти "Ридинг" билан дуранг (1:1) ўйнади. Хозирча 13 очко жамғариб турганларда мазмунлироқ ўйин кўрсатишга ҳаракат қилиши лозим.

Айни дамда "Барселона", "Валенсия" ва "Реал" 10 очкодан жамғариб, турнир жадалларида етакчилик қилмоқда. Англия чемпионатида нихоят "Челси" биринчи ўриндан жой олди.

Ирода чорак финалда

Хиндистоннинг Калькутта шаҳрида ўтказилган "Sunfeast Open — 2006" халқаро турнирида бир қатор кучли ракетка усталари сафида ҳамюртимиз Ирода Тўлағанова ҳам голиблик учун кураш олиб бормоқда.

Яқинда Осиё чемпионлигини қўлга киритган Ирода биринчи учрашувида Осиёнинг таниқли ракетка усталаридан бири Хитой тайпейликл Чжа Чунг Чунгнинг мағлубиятга учратди. Кейинги беллашувида эса теннисчимизга австралиялик спортчи Касей Деллакуа дуч келди. Чорак финал йўлланмасини берувчи мазкур учрашувида ҳам ҳамюртимиз ишончли ҳаракат қилди ва рақибасидан икки сөгта 6:3, 6:2 ҳисобларида устун келди. Чорак финалда Ирода россиялик Алла Кудрявцевага қарши баҳс юритидади.




Ирода Тўлағанова ҳам голиблик учун кураш олиб бормоқда.

Австралия — жаҳон чемпиони

Бразилияда аёллар ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Финалда Австралия ва Россия терма жамоалари ўзаро куч синашиб, галаба (91:74) "яшил қитъа" вакиллариغا насиб этди. Учинчи ўринни АКШ терма жамоаси қўлга киритди.

Эътиборлиси, кетма-кет учинчи жаҳон чемпионатида россиялик баскетболчилар кумуш медалга сазовор бўлишмоқда. 1998 йил Германияда ва 2002 йил Хитойда ўтган жаҳон биринчилиги финалида Россия АКШга имкониятни бой берганди. Бразилияда ўтган йилги жаҳон чемпионатида ҳам Россия — АКШ баскетболчилари бир-бирига дуч келди. Ярим финалдаги мазкур ўйин рус спортчилари фойдасига ҳал бўлди.



Эътиборлиси, кетма-кет учинчи жаҳон чемпионатида россиялик баскетболчилар кумуш медалга сазовор бўлишмоқда.

Камар кимда кетади?

Профессионал боксинг уч вази тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Эрик Моралеснинг промоутери Боб Арум 18 ноябрда бўладиган Моралес ва Мэнни Пакьяо ўртасидаги учинчи жангга оид ўз фикрларини айтиб ўтди. Промоутернинг сўзларига қўра, Эрикнинг вази ҳозир 145 фунт (65,8 килограмм)ни ташкил қилади. Лекин бунинг ҳеч хавотирланмагани жойи йўқ, Моралес билан профессионал мутахассислар шуғулланмоқда ва икки ҳафтадан сўнг унинг вази 135 фунт (61,2 килограмм)га тушади.

Эслашб ўтагимиз, Моралес ва Пакьяо ўртасидаги "мушталашув" биринчи энгил вазнда (130 фунт, 58,9 килограмм) ташкиллаштирилди ва унгача Моралесда бу борада муаммо бўлмайдди.

Шунингдек, Боб Арум Мигель Котто ва Карлос Квинтан ўртасидаги жанг ҳақида ҳам баъзи бир фикрларни маълум қилган. 2 декабрь кўни бу боксчилар WBA биринчи ярим ўрта вазининг бўш турган чемпионлик камари учун рингга кўтарилишди. Боб Арум Мигель Котто агар мазкур жангда галаба қозона, кўчи боксчилардан саналган Октай Урқал ва Антонио Маргаритоларга қарши жанг ташкиллаштирмоқчи. Шунингдек, у мазкур рўйхатда Флорид Мейвезер, Шейн Мозли каби боксчилар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Фахриддин АБИЛОВ тайёрлади.

"Галлабанк"

мижозларга 15 дан ортиқ жозибдор омонат турларини жорий этган ҳолда, "Пахта — 2006" йиғим-терим мавсумида иштирок этаётган ҳамюртларимизга юқори фоизли янги "OLTIN XIRMON" ва "SAXOVATLI KUZ"

қисқа муддатли омонат турларини тақлиф этади.

"OLTIN XIRMON" қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 1 октябргача бўлган муддат давомида маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

"SAXOVATLI KUZ" қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 11 октябргача бўлган муддат давомида маблағлар 4 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар икки ойда тўлаб борилади.

Омонатларнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган бўлиб, банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақлиниши "Галлабанк" томонидан қафолатланади.

"Галлабанк" омонатлари келгуси даромадларингиз қафолатидир!
"Галлабанк" хонадонингизга барақа келтирсин!

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан 2006 йили "ISMANDIYOR KOMMUNAL" уй-жой мулкдорлари ширкатига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЗАО "BAK BALANS" Юнубадского району г.Ташкент преобразуется в ООО "BAK BALANS" (код по ОКПО 17987915). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул.Малаясова, дом 3.

Утерьянный гос.ордер №05-01/12176 от 28.01.1994 г. права собственности на квартиру Салаевой Дилором Абдуваидовны, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Юсуф Хос-Ҳожиб қўчаси, 75-уйда жойлашган АОТ "Ташобстрой" номига берилган №2140272636 рақамли ер қадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "TIRON BUNYOD-KOR-UK" расположенное по адресу: Таш.обл., г.Бука, ш/х "Узбекистан", раскрывает информацию о намерении приобрести 10920 штук простых именных безналичных акций ОАО "Узбешахтострой" расположенное по адресу: Ташкентская область, г.Ангрен, ул.Богдановича, 1, что составляет 34,50% от Уставного фонда.

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери — AVTODOM.uz

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарилган фуруговлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-й. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

DESK-INVEST

Ўзбекистон, Австрия қўшма корхонаси

Ўз-маҳсулотларини тавсия қилади

Уларни тайёрлашда қўлланилаётган фин ускуналари ва замонавий технологияларда Европа сифати ушбу буюмларнинг камиди 50 йил хизмат қилишини қафолатлайди.

Корхонада қалинлиги 0,5 мм бўлган юқори сифатли металл черпицалар, қалинлиги 0,55-0,8 мм рухланган профнастил ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, 1,5-30 мм қалинликдаги қора прокат ҳамиша сотувда бор. Маҳсулотлар зангиланшдан ва ташқи муҳитнинг қаттиқ таъсиридан ишончли муҳофазаланган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шамсуддинова кўчаси, 45. Мурожаат учун телефонлар: 199-56-56. Факс: 191-01-03

Утерьянный гос.ордер №00-21/642 от 3.03.1993 г. права собственности на имя Косолапова Бориса Александровича на квартиру, считать недействительным.

Утерьянный диплом №58 выданный в 2003 г. школой Tashkent Ulugbek International school г.Ташкента на имя Рахимовой Дурдона Гафур-Арсланбековны, считать недействительным.

Утерьянный гос.ордер №11-01/7058 от 11.08.1997 г. права собственности на квартиру Нурова Инюта Нематовича, считать недействительным.

2006 йил 27 октябрь кўни соат 14.00 дан Фаргона шаҳри, Л.Толстой кўчасида жойлашган "Фаргона ип газлама ишлаб чиқариш" ОАЖ фабрикасига қарашли Фаргона виллоети, Марғилон шаҳри, Б.Марғилон кўчаси, 400-уйда жойлашган "2-Марғилон ип газлама фабрикаси" комплекс сифатида сотувага қўйилади.

Тендер савдосига қўйилган корхонанинг бошланғич баҳоси — 1 миллион (бир миллион) АКШ доллари.

Тендер савдосида қатнашиш учун қуйидаги тартибда аризалар қабул қилинади:

- катнашиш учун ариза;
- корхонанинг келажакда иқтисодий ривожлантириш бизнес-режаси;
- тўлов қобилияти тўғрисида банк маълумотномаси.

Ҳужжатлар тўламини муҳрланган ҳолда 2006 йил 27 октябрь соат 12.00 гача қабул қилинади.

Тендер савдосига оид ёрқали қўшимча маълумотларни тендер комиссиясидан олиш мумкин.

Манзил: Фаргона ш., Л.Толстой кўчаси, 41-уй. Тел./факс: 8(373) 223-07-11. Телефон: 8(590) 231-88-40.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат дон инспектори Давлетияр Джаббарбергеновга волидаи мухтарамаси

САРИГУЛ АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюмаси жамоаси Фаргона виллоети филиали раиси Одилжон Ибрагимовга волидаи мухтарамаси

МУЪТАБАРХОН АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ўткир РАҲМАТ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.</p>	<p>МУАССИСЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Ҳатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25. Котибият — 133-95-17. Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс — 133-44-43, 133-40-87.</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8-369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-81; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарь — 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>h-тижорат мақола</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи:</p> <p>Ф.АБИЛОВ</p> <p>Саҳифаловчи:</p> <p>Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ</p> <p>Бош мушоҳиҳ:</p> <p>Ҳ.ТОШҲУЖАЕВ</p>
------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------